



## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНІ ИШЛАБ ЧИҚИШ

**Турсунқұлов Ином Абдухалилович -**

Жиззах политехника институты

катта үқитуучиси

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a21](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a21)

**Аннотация.** Ушбу мақолада қурилиш материаллари корхоналаридан бошқарув механизмларини тақомиллаштириш асосида корхона фаолиятini стратегик бошқарыш, соңадаги муаммолар, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича муаммолар ва уларни ҳал этиш борасида илмий асосланган хулоса ва тақлифлар келтириб ўтилган. Қурилиш материаллари корхоналарнинг бошқарувини стратегик тақомиллаштириш йўналишлари кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** бошқарув, стратегия, инновация, тараққиёт, технология, корхона, рақобат, модернизация, хавф-хатар, молиявий жозибадорлик, режалашириш, баҳолаш.

## РАЗРАБОТКА СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

**Турсунқұлов Ином Абдухалилович -**  
старший преподаватель Джиззакского  
политехнического института

**Аннотация.** В данной статье обсуждены научно обоснованные выводы и предложения по стратегическому управлению деятельностью предприятия, проблемы в данной области, проблемы обеспечения конкурентоспособности предприятий и их решения на основе совершенствования управления на предприятиях строительных материалов. Указаны направления стратегического совершенствования управления предприятиями строительных материалов.

**Ключевые слова:** управление, стратегия, инновации, развитие, технология, предприятие, конкуренция, модернизация, риск, финансовая привлекательность, планирование, оценка.

## DEVELOP A STRATEGY FOR THE DEVELOPMENT OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN CONSTRUCTION MATERIALS ENTERPRISES

**Tursunqulov Inom Abdughalilovich -**  
senior lecturer at Jizzakh Polytechnic Institute

**Annotation.** In this article, scientific-based conclusions and proposals on strategic management of enterprise activities, problems in the field, problems of ensuring competitiveness of enterprises and their solution on the basis of improvement of Management in construction materials enterprises are discussed. Directions of strategic improvement of management of construction materials enterprises are indicated.

**Keywords:** management, strategy, innovation, development, technology, enterprise, competition, modernization, risk, financial attractivenessadorlik, planning, evaluation.

**Кириш.** Бугунги кунда бошқарувчилар инновацион тараққиётнинг глобал ўзгаришларига, жумладан, ижтимоий, технологик ва иқтисодий таркибий ўзшгаришларига тўқнаш келмоқдалар. Бу, ўз навбатида, корхонани ривожлантиришда бошқарувчилик соҳасидаги ҳали кўплаб ўрганилмаган стратегиялар ва жаҳон тараққиётидаги тараққиётга элтувчи жараёнларни чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Глобал ўзгаришларга жавобан иқтисодчи олимлар, йирик мутахассислар ва амалиётчи

менежерлар бундай таркибий ўзгаришларга таъсир этувчи корхонани ривожлантириш бўйича инновацион стратегияларни топишга уринмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ривожланиш миссиясини аниқлашда стратегик ёндашув катта аҳамиятга эга. Стратегия тушунчаси корхоналарнинг узоқ муддатли ҳолатини аниқлаш учун иқтисодиётда кўлланилди. Бунинг асосий маъноси ҳар бир

корхонанинг узоқ йилларга барқарорлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқариш соҳадаги бошқарув қарорларининг натижавий тайёр маҳсулотга айланишини таъминловчи самарали механизми ишлаб чиқиш ва тежамкор ишлаб чиқаришни ташкил этиш миллий корхоналаримизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналарда бошқарув тизимининг моҳияти қўйидаги беш босқични қамраб олади [9]:

1. Корхона истеъмолчи эҳтиёжларини таҳлил этиш натижасида мавжуд маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнининг қайси муҳим босқичида истеъмол қиймати яратилишини аниқлаштириб олиш.

2. Маҳсулот ишлаб чиқаришда барча асосий фаолиятлар аниқланади ва ундаги йўқотишлар бартараф этилади. Бажарилаётган ишнинг сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг бошланғич нуқтасидан охиригача бўлган барча фаолиятлар тўлиқ таҳлил этилади ва қайси босқич стратегияга эришишга имкон беришини ўрганиш.

3. Йўқотишларни минималлаштиришга кўмаклашувчи фаолиятлар оптималлаштирилади. Бунинг учун гоҳида ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш, жараёнларни қайта лойиҳалаштириш ёки таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлиши мумкин.

4. Фақат истеъмолчини қизиқтирган маҳсулотни ишлаб чиқариш.

5. Тежамкор ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш орқали мукаммалликка интилиш.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Стратегик бошқарув тушунчалари нисбатан узоқ муддатдан бери қўлланилса ҳам XX асрнинг 60-йилларига қадар стратегик бошқарувга деярли эътибор қаратилмаган. Фақат XX асрнинг 50-60 йилларига келиб, стратегик бошқарув масаласига эътибор кучая бошлади. Аммо шу вақтгача стратегия, айниқса, стратегик бошқариш назариясида ягона ёндашув яратилмади. Стратегик бошқарув назариясини ривожлантиришга хорижлик олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Америкалик олим Майкл Портер стратегияни корхонанинг бозорда ўз ўрнини топиш ва сақлаб қолиш воситаси деб кафолатлаган [1].

Генри Минцберг стратегияни ифодалашда бошқарув қарорини қабул қилиш жараёнига эътибор берган [2].

Джай Р. Гэлбрейт фикрича, “Стратегия корхона ўз фаолияти мақсадларини таъминловчи қарорлар мажмуасидир” [3].

Надлер ва Туганлар ҳам стратегияни чекланган ресурсларни мавжуд муҳит, бозор, технологиялар ўзгариши сабабли тўғри йўналтиришга қаратилганланлигини таъкидлашган. Бу бошқарув қарорларини қабул қилиш нуқтai назаридан ифодаланган [4].

Еленко эса стратегияни ташқи муҳитнинг ўзгаришлар динамикасидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатли мақсадларни шакллантириш ва уларни етарли даражада ресурслар билан таъминлаш орқали корхона ўз ривожланиш йўлларини аниқлайди, деб билади [5].


С. Попов: "...корхонанинг бошқа рақобатчилари кучли қураш натижасида зарап кўра бошласа, тўғри қабул қилинган стратегия ёрдамида унча кам бўлмаган харажатлар билан ҳам корхона даромад олади. Яъни стратегик бошқарувнинг тўғри йўналтирилганлиги фойда олиш имконини беради" [9], – дея айтиб ўтган.

Юқорида илмий таҳлил қилинганлардан айтиш мумкинки, стратегия иқтисодиёт ва корхонанинг ривожланишидаги муҳим воситалардан бўлиб, келажақда барча ресурсларнинг тежамкорлигини таъминлаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имконият яратади.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёритишда статистик, таққослаш, гурухлаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, абстракт мантиқий таҳлил, аналитик таҳлил, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, стратегик бошқарув тушунчасини кенгроқ, аниқроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хulosаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида қурилиш материаллари корхоналари таҳлил қилинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бошқарув стратегиясининг энг асосий жиҳатларидан бири тўғри қарор қилишдир. Чунки қарор корхона стратегиясини ишлаб чиқиш, ундаги барча ҳодисаларнинг ўзгаришига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун стратегиянинг шаклланишида қарорнинг ўрни жуда муҳимдир.

Стратегик ҳолатни тўғри ифодалашни қўйидаги 1-расм орқали кўришимиз мумкин.




1-расм. Стратегик ҳолат тавсифи [10]

Шу ҳолатда барча стратегик жараёнлар ўрганилади ва амалга оширилади.

Жиззах вилояти қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий вазифаси истеъмолчиларни юқори сифатли товарлар билан таъминлашдир.

Миссияни шакллантириш ва умумий стратегияни яратиш корхона раҳбариятининг

вазифасидир. Корхона ривожланишининг бош йўналиши стратегияни тўғри ишлаб чиқишидир. Чунки келажакда ҳар хил ҳолатлар юзага келиши ва риск омили қучайиши мумкин. Шунинг учун стратегияни ишлаб чиқишида ички ва ташқи омилларни ҳам эътиборга олиши лозим (2-расмга қаранг).



2-расм. Корхона стратегиясини яратиш мезонлари [10]

Корхонанинг ривожланиш устуворликларини аниқлашда Япония тажрибасини ўрганиш, унинг етти стратегиясини ўрганиш тавсия этилади, яъни: бизнес жозибасини баҳолаш, бенчмаркинг (соҳада энг яхши намуналар билан солишириш), бозор сегментлари таҳлили; корхонанинг бозордаги ўрнини баҳолаш; мавжуд маҳсулот портфели; ривожланиш омилларининг стратегик таҳлили; ресурсларни оптималлаштириш. Корхона стратегиясини ривожлантиришда унинг ташки-

лий жиҳатларига катта эътибор қаратилади. Чунки ташкиллаштириш бошқарув механизмининг нафақат асосий элементи, балки асосий омили сифатида қабул қилинади. Шу сабабли бошқарув механизмининг стратегиясини ишлаб чиқишида унинг омилларини ўрганиш ва таснифлашни амалга ошириш яхши натижа беради. Муаллиф томонидан таклиф этилган стратегиянинг таснифлаши 1-жадвалда кўрсатилган.

### 1-жадвал

Стратегиянинг таснифланиш модели [11]

Турлар бўйича	Ресурслар бўйича	Ишлаб чиқариш бўйича	Муддатлар бўйича
Стратегик бошқариш	Хомашё материаллар	Деталлашган	Вақтинча
Стратегик режалаштириш	Технологик жиҳозлар	Ягона	Қисқа
Стратегик истиқболлаштириш	Инновациялар	Оммавийлашган	Ўрта
Стратегик бизнес	Инвестициялар	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Узоқ
Функционал стратегия	Ишчи кучи		

Стратегия кўп функцияли жараён бўлиб, турли погона ва даражаларда ташкил этилади. Бунда мақсадлар уларнинг кўринишлари-

да алоҳида аҳамият касб этади. Стратегик мақсадларнинг тузилиши қуидаги 3-расмда кўрсатилган.




3-расм. Мақсадлар хирологиясининг тузилиши [10]

Бунда асосий масала шундан иборатки, стратегияни ишлаб чиқиша қайси даражадан қатъи назар ушбу мақсадлар пирамидаси, албатта, эътиборга олиниши лозим. Улар узийи боғлиқликда бўлиши шарт ва бир-биридан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, стратегиянинг энг асосий даражаси корхона ҳисобланади. Чунки корхона – моддий бойликлар яратувчи асосий обьект, шу сабабли корхона стратегиясини ишлаб чиқиша комплекс ёндашув зарур. Шунинг учун бошқарув механизмининг барча элементлари корхона стратегиясини ишлаб чиқиша эътиборга олиниши лозим.

Замонавий менежмент фанида стратегик режалаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Ҳозирда айрим олимларимиз ва мутахассисларимиз даврасида бозор иқтисодиёти шароитида режанинг роли мутлақо пасайган. Биз фикрга тўлиқ қўшила олмаймиз. Бу ерда асосий масала корхона даражасидаги режалаштириш тўғрисида бормоқда, бундай ёндашув ривожланган мамлакатларнинг компания ва корпорацияларида ҳам мавжуд. Корхона даражасида стратегик режалаштиришни кўллаш фойдадан холи эмас. Бу муаммо назарий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолатни янада асослаш учун 4-расм мазмунига қараймиз.



4-расм. Корхоналарда режалаштириш жараёнлари [10]

Доимо корхона мақсадлари жамиятнинг керак бўлган талабларига мос келиши лозим. Чунки шунда корхона ривожланиши мумкин. Шу сабабли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг бош мақсади замонавий юқори сифатли материалларни ишлаб чиқиши, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини режалар ва шартномалар асосида қондиришдан иборатдир. Стратегик режалаштиришнинг сифати ҳам ана шу бош мақсаднинг қанчалик тўғри эканлиги ва қабул қилингандигига боғлиқ.

Шу соҳадаги тадқиқотлар мақсаднинг қуидаги мезонларига мос келиши лозимлигини кўрсатди.

- аниқ ўлчовга эга бўлиш;
- муддатнинг аниқ бўлиши;
- амалга ошириш мумкинлиги;
- мувофиқлаштиришнинг муҳимлиги;
- устуворикка эга бўлиши.

Албатта, стратегик бошқарув, айниқса, стратегик режалаштириш кўп меҳнат талаб қиласидан ва серхаражат жараён бўлиб, у бошқарув механизми жараёнига сарф қиласидан харажатларнинг катта қисмини ташкил қиласиди.

1960 йилларда хориж компанияларида бошқарув механизми самарадорлигига қаратилган мақсад сари бошқарув тизими жорий этилган. Бу тўғрисида П.Друкер ва Ж.Одиори ўз адабиётларида кенг ёритганлар.

Мақсад сари бошқарув механизми қуидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Режалаштиришда асосий мақсадлар ўрни ошиб боради. Мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилади.

2. Корхоналар турли хил таркибий тузилмалари, ишчи-хизматчилари ва гуруҳларга маълум бир муаммонинг ечимини биргаликда ҳал этишга имконият беради.

3. Ишчи-хизматчилар ва гуруҳлар ўртасида ўзига хос ишончли ва узвий алоқа ўрнатади.

Ҳар бир бошқарма, бўлим ва гуруҳлар ишни ўз имкониятлари даражасида режалаштириш учун замин яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш материалларини саноатда стратегик режалаштириш тармоқни янада ривожлантириш ва самарадорликни оширишда асосий вазифалардан ҳисобланади. Буни амалга оширишда қуидагиларни амалга ошириш лозим:

– стратегик режалаштириш корхоналарни бошқариш механизмини такомиллаштиришга қаратилган истиқболни амалга ошириш.

риш борасида турли хил усул ва воситалардан фойдаланиш имкониятини беради;

– стратегик режалаштириш бошқарув тизими фаолиятининг сифатини оширишни таъминлайди. У бошқарув даражалари ва барча тузилмаларнинг, шунингдек, корхоналар келгуси алоқаларининг боғланишини белгилайди. Стратегик режалаштиришни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида бошқарув механизми элементларининг ўзаро муносабатлари даражаси ошади, ресурсларни тежамли тақсимлашга эришилади;

– стратегик режалаштириш иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари давлат акция пакетларини самарали бошқариш механизми ҳисобланади.

Корхонани стратегик режалаштириш, ўз навбатида, бошқарув механизмининг қуидаги вазифаларини самарали ташкил этиш имконини беради:

– корхонани бошқаришда унинг элементлари орасидаги ўзаро муҳим мутаносибликларни қўллаб-куватлаш;

– ички эҳтиёжларни қониқтириш ва стратегик товарларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– корхона инфратузилмаси (энергетика, транспорт, информацион ва ҳ.к.) ривожланиши ва бошқарув механизмининг элементлари фаолият олиб боришида оптималлигини таъминлаш;

– зарур инвестицион фаоллик ва йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

– соҳа ва унинг корхоналарида мавжуд бўлган муаммоларни комплекс ёндашув асосида ҳал этиш.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг истиқболдаги самарадорлиги, маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси корхоналар ўртасидаги корпоратив алоқаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Саноат кооперацияси корхоналарнинг динамиқ ва барқарор ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнларида янги самарали технологиялар, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш ва ички бозорда товарлар хажмини ошириш асосида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш, валюта ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлайди.

Айтиб ўтиш лозимки, ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиши ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятига боғлиқ бўлади. Ўтган йилларда иш-

лаб чиқаришнинг номутаносиб ривожланганини Жиззах вилоятининг индустрисал даражасига ўз таъсирини ўтказган. Бу худуд саноатнинг ЯХМ таркибидаги улуши 15 фоиздан кам бўлган. Умуреспублика саноати бўйича вилоят энг паст даражада – улуши 1,4 фоиз бўлган. Бунинг асосий сабаби мазкур худуд хомашё ва бирламчи ишлаб чиқариш маҳсулотларига ихтинослашгани ҳамда мавжуд ресурс, салоҳият ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаганлиги ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришининг таркибида кузатилаётган номутаносиблар технологик ривожланишнинг паст эканлигидан далолат беради.

Жиззах вилоятида технологик ривожланиш 50 фоиздан юқори бўлмаслиги келажакда маълум бир хатарлар келтириб чиқариши мумкин. Биринчидан, хомашёга бўлган жаҳон нархларининг ўзгариши иқтисодий нобарқарорликка олиб келиши; иккинчидан, табиий ресурсларни қазиб олишга бўлган юқори ҳамкорликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ва маҳсулот сифатининг ошиши, худуднинг саноат ва кадрлар салоҳияти ривожланиши, пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келади. Жиззах вилояти қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришда маҳсулот сифати катта аҳамиятга эга. Маҳсулот сифати, асосан, ISO 9001 – 2015 стандартига тўғри келса, демак, у маҳсулот жаҳон бозорида рақобат курашига чидамли бўлади. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, нафақат Жиззах саноат корхона-

ларида, балки қурилиш материаллари саноатида жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулотлар жуда кам. Демак, биринчи навбатда, маҳсулот сифатини оширишда шунга эътибор қаратилиши лозим. Бунга мисол, ҳозирда дунё бозорида энг кучли бўлган Япония автомобилларидир. Аммо охирги йилларда Япония автомобилларида ҳам баъзи-бир нуқсонлар пайдо бўлмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қайси соҳадан қатъи назар жаҳон стандартларига жавоб бериши лозим.

Маҳсулот сифатини бошқаришни яхши йўлга қўйиши учун, биринчидан, сифатни бошқариш ва назорат қилиш вазифаларини такомиллаштириш; иккинчидан, бошқариш механизмини тўғри йўлга қўйиш, бунда ички ва ташқи ҳолатлар, албатта, эътиборга олиниши лозим; учинчидан, корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун янги технологиядан фойдаланиши, бунда давлат томонидан сифатли товарни ишлаб чиқаришда солиқ ва божхона имтиёзлари орқали уларнинг фаолияти рағбатлантирилиши лозим; тўртинчидан, ишлаб чиқаришга янги инновацион ғоялар жорий этилиши, сифатли хомашё ва материаллар билан таъминланиши керак.

Юқорида айтилганидек, бошқарув механизмининг зарур элементи истиқболлаштириш ҳисобланади. Ҳар қандай корхонанинг истиқболи асосий воситаси сифатида корхонанинг ҳаётий даврини ўзгартириш йўллари аниқланади.

## 2-жадвал

### Кукунсимон (молотый) оҳак ишлаб чиқариш заводининг 2030 йилгача ривожланиши асосий кўрсаткичлари истиқболи [12]

Кўрсаткичлар	2021 й.	2025 й.	2026 й.	2027 й.	2028 й.	2029 й.	2030 й.
1. Ишлаб чиқариш ҳажми (т)	42000 тонна	200000 Тонна	212000 тонна	224000 тонна	236000 тонна	248000 тонна	260000 тонна
2. Асосий фонdlар (млн. сўм)	336	1600	1802	2016	2242	2480	2730
3. Айланма фонdlар (млн. сўм)	336	1600	1802	2016	2242	2480	2730
1. Ходимлар Ишлаб чиқариш сони (дона)	15	18	19	20	21	22	23
5. Таннарх (1кг)	300 сум (1кг)	500 сум (1кг)	550 сум (1кг)	600 сум (1кг)	650 сум (1кг)	700 сум (1кг)	750 сум (1кг)
6. Фойда (сўмда)	500 сум	700 сум	750 сум	800 сум	850 сум	900 сум	950 сум
7. Рентабеллик	800	1200	1250	1300	1350	1400	1450
8. Мехнат унумдорлиги, миқдорда	1,7	1,7	1,7	1,7	1,7	1,7	1,7
9. Экспорт (фоизда)	100 %	100%	100%	100%	100%	100%	100%

Бунда истиқболлаштириш турлари, моҳияти ва аҳамиятига тўхтамасдан айтиш мумкинки, истиқбол доимо узоқ муддатга тузилади. Агар истиқболни ишлаб чиқиша


SWOT-таҳлил усулидан фойдаланилса, яхши самара беради. Чунки корхонанинг келажакдаги фақат ички ҳолатларигина чегараланиб

қолмасдан, балки ташқи мұхитни, унинг ўзгаришларини инобатта олиш лозим.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, қуқунсімон (молотый) оқак ишлаб чиқариш заводиди 2030 йилга қадар истиқболлаштириши ишлаб чиқишига ҳаракат қылдик. Бунда, асан, математик ва корреляцион қаторлар усулидан фойдаланилади (2-жадвал).

Жадвал таҳлили күрсатмоқдаки, 2030 йилда қуқунсімон (молотый) оқак ишлаб

чиқариш зоводининг ишлаб чиқариш хажми 195000 млн. сүмни ташкил этиб, 2021 йилга қараганда 15,5 мартаға, яғни 182400 млн. сүмга ошади. Фойда ва рентабеллик күрсаткічләри ҳам юқори даражада бўлади. Айниқса, корхонанинг экспорт салоҳияти 2030 йилга бориб, 17889908 АҚШ долларини ташкил этиши истиқболли режага киритилди. Буни кўйидаги расмда ҳам кўриш мумкин.



5-расм. Жиззах вилояти саноати [13]

Юқоридаги илмий-амалий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Жиззах вилояти саноати, айниқса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун қўйидаги стратегия йўналишларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш мақсадга мувоғиқ, деб ҳисоблаймиз:

- вилоят салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлида кичик саноат зоналарини ташкил этиш;

- вилоятда электр энергияга талаб ошиб боришини эътиборга олган ҳолда, мавжуд тармоқларни модернизациялаш ва янгиларини қуриш, кичик иссиқлик электростанцияларини барпо этиш ҳамда муқобил электр энергетикани яратиш бўйича лойиҳаларни тузиш ва уни амалиётга жорий этиш;

- ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ошириш, яғни юқори технологияли экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган, айниқса, юқори сифатли товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида камхаржатли ва юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашни амалга ошириш лозим;

- ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, вилоятда корхоналар ва тар-

моқлар ўртасида интеграцияни, бунда кластерлаш тизимини кенг жорий этиш;

- таълим, фан, ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш зарур;
- рақобатга чидамли маҳсулотни ишлаб чиқиш ва экспорт потенциалини ошириб бориш;
- аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш, аҳолини камбағаллик ҳолатини пасайтириш, унинг яшаш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Жиззах вилоятида қурилиш материаллари саноатини кенг миқёсда ривожлантириш, янги корхоналарни яратиш, юқори ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш, сифатли, рақобатга чидамли, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги инновацион ғоялардан кенг фойдаланиш, диверсификация ва кластериизация сиёсатини кучайтириш, экспорт салоҳияти ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш кучларини кенгайтириш зарур. Вилоятнинг умумреспублика ЯИМда саноат улушини кўтариб бориш вилоят саноати ва унинг корхоналари олдида турган энг дол зарб масалалардан ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Стратегия муҳим иқтисодий категорияидир. Уни ҳар бир корхона ва тармоқ ривожланишида қўллашимиз зарур. Стратегия корхонанинг нафақат иқтисодий ўсишида, балки салоҳияти ошиб боришида муҳим восита ҳисобланади. Стратегиянинг энг оддий тушунчаси келажакни белгилашдир. Иқтисодий адабиётларда стратегия турлари ва улардан фойдаланишга катта аҳамият берилади. У қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга бўлинади. Бундан ташқари стратегик бошқариш ва стратегик режалаштириш шакллари ҳам мавжуд. Корхонанинг ҳозирги ҳолатидан тортиб, то келажакдаги ривожланишини таъминлашда стратегик режалаштиришнинг ўрни жуда муҳимдир. Стратегик режалаштиришни қўллашда корхона фаолиятига тааллуқли бўлган барча кўрсаткичлар: бошқарув механизми элементлари, ташқи ҳолат ва шу кабилар эътиборга олиниши лозим. Буларнинг барчаси SWOT-таҳлил усулидан фойдаланиб, амалга оширилади. Тадқиқотимида куқунсимон (молотый) оҳак ишлаб чиқариш заводининг 2017-2021 йилларда иқтисодий ривожланиши таҳлил қилиниб, стратегик режалаштириш усулидан фойдаланилган ҳолда келажакдаги истиқболи ишлаб чиқилди. Бундан келиб чиқиб, бир қатор муҳим таклифлар ва тавсиялар берилади:

- қурилиш материаллари корхоналарининг стратегик бошқарув механизмини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштиришда, биринчи навбатда, корхонанинг бутун фаолияти таҳлилини ўтказиш лозим;
- натижада топилган камчиликлар ва йўқотишларга стратегик тарзда ечим топиш;

– корхонани ривожлантириш мақсадида стратегик эгилувчанлик принципини қўллаб-куватлаш;

– корхона инфратузилмаси (энергетика, транспорт, информацион ва ҳ.к.) ривожланиши ва бошқарув механизммининг элементларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш;

– ишлаб чиқаришнинг технологик дарражасини ошириш мақсадида инвестицион жозибадорликни ошириш ва автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш;

– стратегик бошқарувда ташқи муҳит билан алоқа ўрнатиш, кооперацияни амалга ошириш.

Шу билан бирга, куқунсимон (молотый) оҳак ишлаб чиқариш заводида қўллаш мумкин бўлган стратегик бошқарувни таклиф этамиз:

- заводнинг оҳак ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил этиш;
- инвестицияларни жалб этган ҳолда, завод фаолиятини кенгайтириш, янги технологиялардан фойдаланиш (натижада иш ўрни яратилади, завод фаолияти кенгаяди, фойда миқдори янада ошади);
- рақамли тизимлардан фойдаланишини ташкил этиш (рақамли воситалар деярли ишлатилмайди);
- республика бўйича маҳсулот етказиб беришда имтиёзлар бериш.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш стратегик бошқарувни юқори даражага олиб чиқиб, корхоналарнинг самараדורлиги ошишида асос бўйиб хизмат қиласи.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Портер М. Конкуренция. – М.: Экономика, 1996.
2. Минцберг Г. Структура в кулаке. Создание эффективной организации. – СПб.: Питер, 2003.
3. Galbreath R. Jay, Lawler, Edward E and associates. Organizing for the Future. San-Francisco, 1993, p-310.
4. Катькова В.С. Исходные концепции стратегического управления и их современная оценка. Российский журнал менеджмента. 2003, № С7-300.
5. Пренников В.В. Стратегическое управление финансово-экономического кризисных условий. Диссертация кандидат экономической наук. – М., 1999 г.
6. Matsumoto Kohji: The Rise of the Japanese Corporate System. London: Kegan Paul International, 1995. P. 276.
7. Турсункулов И.А. Бошқарув механизмини ташкил этишининг хорижий тажрибаси. Academic research in educational sciences 2.5 (2021): 378-385.
8. Турсункулов И. Boshqaruv mexanizmining samaradorligini baholash. Экономика и образование 6 (2021): 53-58.
9. Попов С.А. Актуальный стратегический менеджмент. Учебно-практическое пособие. С.А.Попов. – М.: Юрайт, 2010. – 448 с.
10. Илмий изланишлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
11. Маълумотлар асосида ишлаб чиқилди.
12. Куқунсимон (молотый) оҳак ишлаб чиқариш заводининг 2030 йилгача асосий ривожланиши кўрсаткичлари асосида тузилди.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилди.